

13. Раҳимова. Г.С. Фарғона водийсининг иқтисодий ривожланишида экологик муаммолар. – , Тошкент: Navzo‘z, 2017. – Б. 2.
14. Ёшлик. – 1989. – №5 – Б. 4–5.
15. Йигит боши омон бўлсин / Ўзбекистон ССЖ соғлиқни сақлаш вазирлиги муовини Б. У. Йўлдошев билан суҳбат // Сихат-саломатлик. – 1991. – №3. – Б. 4.
16. O‘zbekiston Milliy arxivi (keying o‘rinlarda O‘zMA). R.837-fond, 41-ro‘uxat 1859-ish, 281-varoq.
17. Холбоев М. К. Наманган вилояти ҳудудида

НАМАНГАН ФЕЛЬДШЕР-АКУШЕРЛИК МАКТАБИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ВА МУАММОЛАР (1950-ЙИЛЛАР)

Ферузахон Муталиповна Каримова

Фарғона давлат техника университети ассистенти

mutalipovna.85@icloud.com

1950-йиллар Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими тарихида тиббиёт муассасаларининг кенгайиши, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қамровининг ортиши ва малакали тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжнинг кескин ўсиши билан характерланади. Урушдан кейинги йилларда республикада касалхоналар, поликлиникалар, туғруқхоналар, фельдшер-акушерлик пунктлари ва санитария муассасалари тармоғи кенгайиб борди. Бу эса соғлиқни сақлаш тизими учун ўрта тиббиёт кадрларини тайёрлайдиган таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб қилди. Ана шундай муассасалардан бири Наманган фельдшер-акушерлик мактаби бўлиб, у вилоят ва унга туташ ҳудудлар учун фельдшерлар, акушеркалар, ҳамширалар ҳамда бошқа ўрта тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда муҳим ўрин тутган.

Тиббиёт таълими тизими нафақат кадрлар тайёрлаш, балки давлатнинг ижтимоий сиёсати, миллий кадрлар етиштириш ва аҳолининг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қондириш вазифаларини ҳам бажарган. Шу нуқтаи

назардан Наманган фельдшер-акушерлик мактаби фаолиятини ўрганиш республика соғлиқни сақлаш тизимининг ҳудудий хусусиятларини, тиббиёт таълими муассасаларида кадрлар сиёсати қандай амалга оширилганлигини ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Наманган фельдшер-акушерлик мактабининг 1952–1953 ўқув йилидаги педагогик таркиби таҳлили мазкур таълим муассасасининг ўша даврда республикадаги нисбатан малакали тиббиёт таълими марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади. Мактабда фаолият юритган 53 нафар ўқитувчидан 42 нафарининг олий маълумотли бўлиши (79,2 %) ўқув жараёни юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилганидан далолат беради⁹⁵. Бу ҳолат ўрта тиббиёт кадрларини тайёрлаш сифатига ижобий таъсир кўрсатган бўлиб, соғлиқни сақлаш тизими учун назарий ва амалий жиҳатдан етарли билимга эга мутахассислар тайёрлаш имконини яратган.

Педагог кадрларнинг меҳнат стажига доир маълумотлар ҳам мактабда тажрибали ўқитувчилар салмоғи юқори бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, 10 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган 28 нафар ҳамда 25 йилдан ортиқ педагогик тажрибага эга 5 нафар ўқитувчининг мавжудлиги жамоанинг асосий қисми кўп йиллик амалий ва педагогик фаолиятга эга мутахассислардан шаклланишини англатади⁹⁶. Бу эса тиббиёт таълимида касбий анъаналарнинг сақланиши, билим ва тажрибанинг ёш авлодга узлуксиз ўтказилишини таъминлаган муҳим омил бўлган.

Айни пайтда ўқитувчиларнинг катта қисми — 42 нафарининг ўриндошлик асосида ишлаганлиги тиббиёт таълими тизимининг ўзига хос хусусиятини акс эттиради⁹⁷. Бундай амалиётда асосан шифокорлар, амалиётчи мутахассислар ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари дарс беришга жалб этилган бўлиб, бу ўқув жараёнининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган. Шу билан бирга, мазкур ҳолат ўқув муассасасида штат асосида

⁹⁵ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7463-иш. 50-варақ.

⁹⁶ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7463-иш. 50-варақ.

⁹⁷ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7463-иш. 50-варақ.

ишловчи педагог кадрлар етишмаслиги ёки соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни ўқитиш жараёнига кенг жалб қилиш сиёсати мавжуд бўлганлигини ҳам кўрсатади.

Ўқитувчилар таркибининг сиёсий жиҳатдан таҳлили ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мактабда КПСС аъзолари ва аъзоликка номзодларнинг 14 нафарни ташкил этиши ҳамда 5 нафар ўқитувчининг ВЛКСМ аъзоси бўлиши совет даври таълим муассасаларида партиявий-назарий тарбияга катта аҳамият берилганини кўрсатади⁹⁸. Бу ҳолат тиббиёт таълимининг нафақат касбий, балки мафкуравий вазифаларни ҳам бажарганлигини англатади. Партия ташкилотлари орқали ўқитувчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги назорат қилинган ва коммунистик ғояларни ёш мутахассисларга сингдириш вазифаси амалга оширилган.

1955 йилда билим юртида 68 нафар педагог фаолият юритган бўлса, улардан 47 нафари ўриндошлик асосида ишлаб, 45 нафари олий маълумотли, 6 нафари тугалланмаган олий, 1 нафари ўрта маълумотли эди⁹⁹. Билим юрти ўқитувчилар орасига илмий даражаси бор ўқитувчилар йўқ эди. Билим юрти ўқитувчилар билан тўлиқ таъминланмаган, айниқса, клиник фанлардан миллий гуруҳларда дарс берувчи ўқитувчилар етишмаган. Шунинг учун бир ўқитувчи 2-3 та фанни ўтишига тўғри келган, гигиена, физиология, болалар касалликлари, физиотерапия, анатомия дарс берадиган ўқитувчилар йўқ эди.

1954–1955 ўқув йилида Наманган тиббиёт ўқув юрти педагогик жамоасининг таркиби таҳлили мазкур таълим муассасасида ўқув жараёнини ташкил этишда юқори малакали мутахассисларга таянилганини кўрсатади. Ҳисобот маълумотларига кўра, ўқув юртида жами 51 нафар педагог фаолият юритган бўлиб, уларнинг 17 нафари штат асосида, 34 нафари эса ўриндошлик асосида ишлаган¹⁰⁰. Ўриндош педагоглар улушининг қарийб учдан икки қисmini ташкил қилиши тиббиёт таълими тизимида амалиётчи шифокорлар ва

⁹⁸ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7463-иш, 50-варақ.

⁹⁹ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 8385-иш, 8-варақ.

¹⁰⁰ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7916-иш, 21-варақ.

тиббиёт муассасалари мутахассисларини таълим жараёнига кенг жалб қилиш амалиёти устувор бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳолат талабаларнинг назарий билимларни амалиёт билан боғлаб ўрганиш имкониятларини кенгайтирган.

Педагогларнинг фанлар бўйича тақсимооти ҳам диққатга сазовор. Жами ўқитувчилардан 4 нафари клиник фанлар, 13 нафари умумий таълим фанлари бўйича штатда ишлаган бўлса, қолган қисми асосан ўриндошлик асосида дарс берган¹⁰¹. Бу тиббиёт таълимида махсус тиббий фанларнинг муҳим қисми амалиётчи мутахассислар томонидан ўқитилганини англатади.

Маълумот даражаси бўйича таҳлил қилинганда, педагогларнинг мутлақ кўпчилиги юқори малакали кадрлардан иборат бўлгани кўринади. Жумладан, 51 нафар педагогдан 45 нафари олий маълумотли бўлиб, бу умумий таркибнинг 88,2 фоизини ташкил этган. Яна 5 нафар педагог тугалланмаган олий маълумотга, 1 нафар педагог эса ўрта маълумотга эга бўлган¹⁰². Бундай кўрсаткич республика ўрта махсус тиббиёт таълими муассасалари орасида педагог кадрларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилганлигини кўрсатади.

1950-йиллар ўрталарида ўрта махсус тиббиёт таълими муассасаларида илмий даражага эга педагоглар фаолият юритмаган, чунки асосий эътибор илмий тадқиқотдан кўра амалий тиббиёт мутахассисларини тайёрлашга қаратилганлигини кўрсатади. Илмий даражали мутахассислар асосан тиббиёт институтлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритган.

Клиник иш стажы бўйича маълумотлар педагогик жамоанинг амалий тажрибаси юқори бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, 5 нафар педагогнинг клиник стажы 5 йилгача, 10 нафарининг стажы 10 йилгача бўлган бўлса, 21 нафар педагог 10 йилдан ортиқ клиник тажрибага эга бўлган¹⁰³. Демак, клиник фанларни ўқитишга жалб қилинган мутахассисларнинг катта қисми кўп

¹⁰¹ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7916-иш, 21-варак.

¹⁰² Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7916-иш, 21-варак.

¹⁰³ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7916-иш, 21-варак.

йиллик шифокорлик амалиётига эга бўлган. Бу эса талабаларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этган.

Педагогик стаж кўрсаткичлари эса таълим муассасасида нисбатан ёш ўқитувчилар ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, 1 йилгача педагогик стажга эга бўлганлар қайд этилмаган бўлса-да, 5 йилгача стажли педагоглар 12 нафарни ташкил этган¹⁰⁴. Шу билан бирга, 10 йилдан ортиқ педагогик тажрибага эга бўлганлар сони ҳам сезиларли бўлиб, уларнинг мавжудлиги таълим жараёнида тажрибали мутахассислар муҳим ўрин тутганлигини англатади. Бу ҳолат жамоада тажриба ва ёш кадрлар ўртасида муайян мувозанат мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Педагог кадрлар етишмаганлиги боис тиббий мактабларда малакаси етарли бўлмаган ўқитувчилар дарс берилган, масалан, Наманган фельдшер акушерлик мактабида биологиядан дарс берган Тимаев ва физика-кимё мудири бўлган Нохинсон олий маълумотга эга бўлмаган, улар хорижий тиллар институти сиртқи бўлимининг 1-курс талабалари бўлишган¹⁰⁵.

1951–1952 ўқув йилида Наманган фельдшер-акушерлик мактабининг педагогик таркиби умумий жиҳатдан ўрта тиббиёт кадрларини тайёрлаш вазифасини бажариш учун муайян салоҳиятга эга бўлган бўлса-да, таълим жараёнида қатор тизимли муаммолар ҳам мавжуд бўлган. Мактабда жами 40 нафар ўқитувчи фаолият юритган бўлиб, уларнинг 32 нафари олий маълумотли эди. Бу кўрсаткич юқори бўлишига қарамасдан, 8 нафар педагогнинг олий маълумотга эга эмаслиги (5 нафари тўлиқсиз олий, 3 нафари ўрта маълумотли) тиббиёт таълими учун зарур бўлган юқори малакали кадрларга эҳтиёж тўлиқ қондирилмаганлигини англатади¹⁰⁶. Айниқса, тиббиёт соҳасида амалий ва назарий билимларни чуқур ўзлаштириш талаб қилинган бир шароитда айрим фанларни мутахассислиги тўлиқ шаклланмаган педагоглар ўқитиши таълим сифатига муайян даражада таъсир кўрсатган.

¹⁰⁴ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7916-иш, 21-варақ.

¹⁰⁵ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 7463-иш. 29-варақ.

¹⁰⁶ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 6929-иш. 2-варақ.

Педагогик жамоанинг меҳнат стажи бўйича таркиби ҳам икки хил ҳолатни намоён этади. Бир томондан, 25 йилдан ортиқ стажга эга бўлган 7 нафар ва 10 йилдан ортиқ тажрибага эга 18 нафар ўқитувчининг мавжудлиги тажрибали мутахассислар улуши юқори бўлганлигини кўрсатади. Бироқ иккинчи томондан, педагогларнинг қарийб чорак қисми (9 нафар) 5 йилгача иш стажига эга бўлиб, ёш кадрларнинг кўпайиши тажриба етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чиқарган¹⁰⁷. Бу ҳолат айниқса тиббий фанларни ўқитишда услубий тажриба ва амалий кўникмаларни талаб қилган соҳаларда сезиларли бўлган.

Миллий кадрлар масаласи ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб қолган. Ўқитувчилар орасида атиги 13 нафар ўзбек бўлгани, яъни маҳаллий миллат вакиллари умумий педагоглар таркибининг учдан бир қисmini ҳам ташкил этмагани республикада миллий тиббиёт кадрларини шакллантириш жараёни ҳали тўлиқ ҳал этилмаганлигини кўрсатади. Айниқса, 13 нафар ўзбек педагогдан фақат 2 нафари аёл бўлгани маҳаллий хотин-қизлар орасидан юқори малакали тиббиёт педагогларини тайёрлаш муаммоси мавжудлигини кўрсатади¹⁰⁸. Бу эса кейинчалик қишлоқ жойларда фаолият юритадиган маҳаллий аёл тиббиёт ходимларини тайёрлаш имкониятларига ҳам таъсир кўрсатган.

Жинсий таркиб таҳлили ҳам маълум муаммони кўрсатади. Педагогларнинг 25 нафари эркаклар ва 15 нафари аёллар бўлган¹⁰⁹. Тиббиёт соҳасида, айниқса акушерлик, ҳамширалик ва оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш йўналишларида хотин-қизлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, педагогик таркибда аёллар улушининг нисбатан пастлиги мазкур соҳалар бўйича мутахассис-педагоглар етишмаслиги билан изоҳланиши мумкин.

¹⁰⁷ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 6929-иш. 2-варак.

¹⁰⁸ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 6929-иш. 2-варак.

¹⁰⁹ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 6929-иш. 2-варак.

Мактаб фаолияти кучли мафкуравий таъсир остида бўлганлигини ҳам кўрсатади. Ўқитувчиларнинг 8 нафари КПСС аъзоси ёки аъзоликка номзод бўлган, яна 8 нафари Марксизм-ленинизм кечки университетида тахсил олган¹¹⁰. Бу ҳолат педагоглардан касбий маҳоратидан ташқари сиёсий-идеологик тайёргарлик ҳам талаб қилинганлигини англатади. Натижада таълим жараёнида тиббий билимлар билан бир қаторда коммунистик мафкурани тарғиб қилиш вазифаси ҳам юкланган. Бу эса айрим ҳолларда педагогларнинг касбий маҳоратини оширишдан кўра мафкуравий тайёргарликка кўпроқ эътибор қаратилишига олиб келган.

Шу тариқа, 1951–1952 ўқув йилида Наманган фельдшер-акушерлик мактабида тажрибали ва маълум даражада малакали педагогик жамоа шаклланган бўлса-да, олий маълумотли мутахассислар етишмаслиги, маҳаллий ва айниқса маҳаллий аёл педагоглар улушининг пастлиги, ёш ва тажрибасиз кадрларнинг мавжудлиги ҳамда таълим жараёнининг кучли мафкуравийлашганлиги каби муаммолар сақланиб қолган. Бу ҳолатлар 1950-йиллар бошларида республикада ўрта тиббиёт таълими тизими олдида турган асосий вазифалар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни яққол намоён этади¹¹¹.

Мактабни ўқитувчи-шифокорлар билан таъминлаш масаласи ҳал бўлмаган эди. Лекин област соғлиқни сақлаш бўлими баъзи раҳбарлари мактабга амалда ёрдам бериш ўрнига ишга зарар етказган ҳолатлар бўлган. Улар мактабда ишловчи шифокорларнинг ўқув соатларини белгилаш бир шифокорга бир нечта фанни юклаш ишлари билан шуғулланган ва бу иш сифатига салбий таъмир кўрсатган. Масаланинг бундай қўйилиши СССР ва ЎзССР соғлиқлиқни сақлаш министрлиги кўрсатмаларидан тубдан фарқ қилган. Улардан ўқитувчи шифокорларни махсус тайёргарликдан ўтказиш, таътил вақтида уларга меҳнат таътили бериш, шифокорлар районларга кетган

¹¹⁰ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 6929-иш. 2-варак.

¹¹¹ Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 6929-иш. 2-варак.

пайтларида дарслар қолдирилишини олдини олишмасалаларини ҳал қилиш талаб этилган. Ўқитувчи шифокорлар мактабда 0,5 ставкадан кам ишламасликлари, яъни ҳафтасига 8-10 соат маъруза ўқишлари лозим эди. Чунки улар шифохоналарда ҳам амалий фаолият юритишган¹¹².

Умуман олганда, 1954–1955 ўқув йилида Наманган тиббиёт ўқув юртининг педагогик таркиби юқори малакали, асосан олий маълумотли ва катта клиник тажрибага эга мутахассислардан шаклланган. Ўқитувчиларнинг катта қисми ўриндошлик асосида фаолият юритганлиги тиббиёт таълими билан амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаган. Бу эса республика соғлиқни сақлаш тизими учун малакали ўрта тиббиёт кадрларини тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Умуман олганда, Наманган фельдшер-акушерлик мактабининг 1952–1953 ўқув йилидаги педагогик салоҳияти юқори даражада бўлиб, унда тажрибали ва юқори маълумотли кадрлар устунлик қилган. Бу ҳолат республика соғлиқни сақлаш тизими учун фельдшерлар, акушеркалар ва бошқа ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш сифатига ижобий таъсир кўрсатган ҳамда 1950-йилларда Ўзбекистонда тиббиёт таълими тизимининг мустақкамланишида муҳим ўрин тутган.

Хулоса қилиб айтганда, 1950-йилларда Наманган фельдшер-акушерлик мактаби Фарғона водийсида ўрта тиббиёт кадрларини тайёрлашнинг муҳим марказларидан бири сифатида фаолият юритди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мазкур таълим муассасаси республика соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжлари учун фельдшерлар, акушеркалар, ҳамширалар ва бошқа ўрта бўғин тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда муҳим ўрин тутган. Мактабда олий маълумотли ва катта меҳнат тажрибасига эга педагоглар фаолият кўрсатган бўлиб, бу таълим жараёнининг муайян даражада самарали ташкил этилишига хизмат қилган.

¹¹² Ўзбекистон тиббиёт ва илмий – техник ҳужжатлари Миллий архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 6929-иш. 3-варак.

Шу билан бирга, архив ҳужжатлари таҳлили мазкур таълим муассасаси фаолиятида қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Аввало, педагог кадрларнинг сезиларли қисми ўриндошлик асосида ишлаган бўлиб, бу штат ўқитувчилари етишмаслиги муаммоси сақланиб қолганлигидан далолат беради. Айрим ўқитувчиларнинг тўлиқ олий маълумотга эга эмаслиги ҳам таълим сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий миллат вакиллари, айниқса ўзбек аёл педагоглар улушининг пастлиги миллий тиббиёт кадрларини шакллантириш жараёни ҳали тўлиқ яқунланмаганлигини кўрсатади.

Тадқиқот давомида аниқланишича, педагогик жамоанинг фаолияти совет даври таълим сиёсатига хос бўлган мафкуравий талаблар таъсирида кечган. Ўқитувчиларнинг партия ташкилотлари билан боғлиқлиги ва уларнинг Марксизм-ленинизм университетларида таҳсил олиши таълим муассасаларида касбий тайёргарлик билан бир қаторда сиёсий-идеологик тарбияга ҳам катта аҳамият берилганлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, кечки бўлимларнинг ташкил этилиши, тиббий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун қайта тайёрлаш курсларининг очилиши, амалиёт базаларининг кенгайтирилиши ва битирувчилар учун олий тиббиёт таълимига ўтиш имкониятларининг яратилиши Наманган фельдшер-акушерлик мактабининг доимий равишда ривожланиб борганлигини кўрсатади. Бу чора-тадбирлар соғлиқни сақлаш муассасалари учун кадрлар тайёрлаш ҳажмини ошириш ва уларнинг касбий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилган.

Умуман олганда, 1950-йилларда Наманган фельдшер-акушерлик мактаби фаолиятида ижобий натижалар билан бир қаторда кадрлар, миллий таркиб ва таълимни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд бўлган. Бироқ мазкур муассаса фаолияти республикада ўрта тиббиёт таълими тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, шунингдек маҳаллий соғлиқни сақлаш муассасаларини зарур мутахассислар билан таъминлаш

жараёнида муҳим аҳамият касб этган. Бу жиҳатдан Наманган фельдшер- акушерлик мактаби тарихи Ўзбекистонда тиббиёт таълими ва соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг муҳим саҳифаларидан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА). Ф. __, Р. __, Д. __ — Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳужжатлари (1950-йиллар).
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА). Ф.лиқни сақлаш Д. __ — Наманган фельдшер-акушерлик мактаби фаолияти, ўқув жараёни ва педагог кадрлар бўйича ҳужжатлар (1950-йиллар).
3. Наманган вилоят давлат архиви. Ф.бошқармаси ҳ Д. __ — тиббиёт ўқув юртлари, кадрлар тайёрлаш ва ўқув жараёнига оид ҳужжатлар (1950-йиллар).
4. Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси архиви материаллари. Ф.ужжатлари (19 Д. __ — кадрлар таркиби ва статистик ҳисоботлар.
5. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари ва йўриқномалари (1950-йиллар). Тошкент.
6. Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси ҳисоботлари (1950–1959-йиллар).
7. Каримов И. А. Ўзбекистон тарихи. Тошкент.
8. Ахмедов Б. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тарихи. Тошкент.
9. Рахимов М. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ривожланиш тарихи. Тошкент, 2000.
10. Ўзбекистон тиббиёт тарихи бўйича илмий тўпламлар. Тошкент, Фан нашриёти.
11. Наманган вилояти тарихига оид газета ва журнал материаллари (1950-йиллар).
12. Оғзаки тарихий манбалар (интервьюлар, хотиралар) — собиқ тиббиёт ходимлари гувоҳликлари.